

6-1-2018

## MODELS OF ACCOUNTING AND TAX ACCOUNT

A. Abdullayev

*Tashkent Financial institute*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

---

### Recommended Citation

Abdullayev, A. (2018) "MODELS OF ACCOUNTING AND TAX ACCOUNT," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 3 , Article 1.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss3/1>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

Абдуллаев А.Б. – ТМИ,  
мустақил изланувчи

## БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ МОДЕЛЛАРИ ВА СОЛИҚ ҲИСОБИ

Мақолада бухгалтерия ҳисобининг халқаро моделлари ва уларнинг хусусиятлари баён этилган. Бухгалтерия ҳисоби моделлари асосида солиқ ҳисобининг вужудга келиши ёритиб берилган. Солиқ ҳисобининг мазмуни ва зарурати илмий мунозаралар ҳамда қонун ҳужжатларидаги сўнгги ўзгаришларни инобатга олган ҳолда очиб берилган.

**Калит сўзлар:** бухгалтерия ҳисоби, модель, бухгалтерия ҳисоби модели, солиқлар, солиқ ҳисоби, солиқ ҳисоботи, солиқ тўловлари, солиқ тўловчилар, солиқ мажбурияти.

В статье раскрыты международные модели учета и их особенности. Происхождение налогового учета было описано на основе моделей учета. Содержание и необходимость налогового учета раскрываются с учетом научных дебатов и недавних законодательных изменений.

**Ключевые слова:** бухгалтерский учет, модель, модель бухгалтерского учета, налоги, налоговый учет, налоговая отчетность, налоговые платежи, налогоплательщики, налоговое обязательство.

In the article, international models of accounting and their features have been revealed. The origin of tax accounting have been described based on the models of accounting. The content and necessity of tax accounting are disclosed in view of scientific debates and recent legislative changes.

**Keywords:** accounting, model, accounting model, taxes, tax accounting, tax reporting, tax payments, taxpayers, tax obligation.

Бухгалтерия ҳисобининг янги йўналиши бўлган солиқ ҳисобининг моҳиятини очиш учун ҳисобининг жаҳон амалиётида қўлланаётган моделларини илмий жиҳатдан ўрганиш зарур. Умуман, бухгалтерия ҳисобининг моделларини ўрганишда “ҳисоб модели”, “ҳисобининг миллий модели”, “ҳисобининг халқаро модели” ни бир-биридан фарқлаш керак.

Модель деб бошқа тизим тўғрисида маълумотлар олиш воситаси бўлиб, моддий ёки фикрлаш асосида кўзда тутиладиган тизим тушунилади.

Модель амалдаги ва функцияси давом этаётган тизимларнинг маълум бир хусусиятига кўра тасаввур этишдир.

Бухгалтерия ҳисобининг миллий тизимига нисбатан унинг модели кенгроқ тушунилади. Миллий ҳисоб моделлари бир-биридан мамлакатларда олиб борилаётган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва бошқа жараёнларнинг хусусиятлари билан фарқ қилади. Ҳисоб моделининг илмий моҳиятидан келиб чиқсак, у биринчилардан бўлиб, итальян математик Луко Пачоли томонидан яратилган. Бу модел “икки ёқлама ёзув” деб номланган ва ҳозирги бухгалтерия ҳисобининг асоси бўлиб ҳисобланади.

Иқтисодчилар томонидан XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ҳисоб

моделлари борасида илмий тадқиқотлар олиб борилди ва уларни бир қанча белгиларга кўра таҳлил қилинди. Уларнинг асосида икки хил қараш: дедуктив ва индуктив қарашлар ажралиб турди.

Дедуктив қарашда бухгалтерия ҳисоби моделини шаклланиши ва ривожланишига ташқи омиллар таъсири ўрганилади. Шунингдек бир қанча мамлакатларда иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва бошқа шароитлар бир-бирига ўхшаш бўлиб, улар бухгалтерия ҳисоби тизимига таъсир кўрсатади.

Дедуктив қарашнинг асосчиси Г.Р.Хетфилд бўлиб, у ғарб мамлакатларидаги бухгалтерия ҳисобини учта методга: америка, британия, континенталга бўлиб, уларга тушунтиришлар берган.

Бир қанча хитойлик иқтисодчилар, жумладан профессорлар Ли Синьхэ (Нанкин университети) ва Тан Юньвэй (Шанхай университети) ва бошқа юқоридаги қарашларни маъқуллаган ҳолда, бухгалтерия ҳисоби тизимига қуйидаги омилларни таъсир кўрсатишини ўзларининг тадқиқотларида эътироф этади:

- 1) сиёсий омиллар;
- 2) ҳуқуқий омиллар;
- 3) иқтисодий омиллар;
- 4) халқаро омиллар;
- 5) маданий омиллар;
- 6) таълим билан боғлиқ омиллар;
- 7) бухгалтериянинг профессионалиги билан боғлиқ омиллар.

Хитой тадқиқотларида “Муго” ёки “Она давлат” тушунчаси ҳам мавжуд, яни маълум бир давлатлар иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳамкорлик билан бир қаторда ҳуқуқий базасига ҳам катта таъсир кўрсатади, шу жумладан бухгалтерия ҳисоби тизимига ҳам.

Тадқиқотчилар томонидан “Она давлат” сифатида қуйидагилар қайд этилади:

- АҚШ, унинг модели Мексика ва Жанубий Америка мамлакатлари ҳисоб модели ва тизимига таъсир кўрсатган;

- Буюк Британия, унинг модели Австралия ва Ҳиндистон мамлакатлари ҳисоб тамойиллари асосини ташкил этади;

- Франция, унинг модели Наполеон кодекси асосида Жанубий Европа, Жанубий Америка мамлакатларининг фуқаролик кодекслари қабул қилинган ва ҳозир ҳам ҳаракатда.

Жаҳон миқёсида бухгалтерия ҳисоби тизими қуйидаги йирик моделларга бўлинади:

- Континентал (европа модели);
- Британия-Америка модели;
- Жанубий Америка модели;
- Бухгалтерия ҳисобининг ислом модели.

Россияда бухгалтерия ҳисоби тизимини уч модели таснифи Г.Миик, Г.Мюллер, Х.Гернонлар томонидан яратилган. Бунда қуйидаги асосий моделлар кўрсатилган:

- инглиз-Америка модели (АҚШ, Буюк Британия, Голландия, Австралия, Канада ва бошқалар);

- континентал модель (Германия, Франция, Австрия, Белгия, Греция, Дания, Испания, Россия, Швейцария, Япония ва бошқалар);

- жанубий Америка модели (Аргентина, Бразилия, Чили, Эквадор, Парагвай, Перу ва бошқалар).

Континентал моделда бухгалтерия ҳисобининг асосий мақсади, инвесторларни қизиқишини қондириш эмас, балки мажбурий давлат нормаларига мувофиқ солиққа тортиш базасини аниқлаш, ҳисоблашдир. Шунингдек бунда ҳуқуқий нормалар ва қоидалар принципиал характерга эгадир. Бухгалтерия ҳисоби тизимини ижро органи ҳукумат томонидан назорат қилинади. Индуктив қараш дедуктив қарашга альтернатив (муқобил) бўлиб, у асосан иқтисодий таҳлилнинг статистик методларига таянади. Бу борада тадқиқотлар йирик халқаро компаниялар (KPMG, Price Waterhouse Coopers, Ernst & Young, Deloitte & Touche Tohmatsu) томонидан олиб борилади.

З.Н.Қурбонов ўзининг илмий ишларида континентал модел тўғрисида қуйидаги фикрларни билдирган: “Континентал моделда бухгалтерия ҳисоби тизими бевосита солиққа тортишнинг тамойиллари, қоидалари асосида шаклланади ва юритилади. Бу модел ташкил қилинганда, молиявий бухгалтерия ҳисоби билан солиқ ҳисобининг кўрсаткичлари мос келади. Шунинг учун ҳам «континентал» модел баъзан «солиқ» модели ҳам деб юритилади.”

*1-жадвал*

### **Бухгалтерия ҳисобининг моделлари**

<b>Моделлар</b>	<b>Ўзига хос хусусиятлари</b>
Британия-Америка	Инвесторлар, кредиторлар ва акционерлар манфаатларига йўналтирилган
Континентал	Давлатнинг корхоналар ҳисоб сиёсатига юқори даражадаги аралашуви
Жанубий Америка	Давлат органларининг фискал сиёсатини юритишга йўналтирилган
Интернационал	Трансмиллий корпорациялар ва халқаро валюта бозорининг чет эл қатнашчилари манфаатларига йўналтирилган
Ислом	Диний омиллар юқорилиги ҳамда спекулятив даромад ва бошқа фаолиятларни таъқиқлайди

Илмий ишлар ва иқтисодий адабиётларни ўрганиш асосида бухгалтерия ҳисобининг Британия-Америка, континентал, жанубий-Америка, ислом ва интернационал моделлари мавжуд эканлиги тўғрисида хулосага келдик ва

уларнинг хусусиятлари 1-жадвалда келтирилди.

XX-асрнинг охирларига келиб бухгалтерия ҳисобини моделлаштириш соҳаси бўйича олиб борилган таҳлилий ва таққослама илмий тадқиқотлар натижасида бухгалтерия ҳисобининг янги моделларини шакллантиришга эҳтиёжлар пайдо бўлди. Жаҳонда рўй бераётган глобаллашув ва ахборотлашув жараёни талабларига мос келувчи бухгалтерия ҳисобининг янги моделларини ишлаб чиқишга янгича методик ёндашувлар тайёрланмоқда.

И.В.Киселева, Н.В.Кулишларнинг ёзишича бухгалтерия ҳисобининг янги моделини интеграцион-технологик модел деб аташимиз мумкин, унинг моҳияти шундан иборатки, иқтисодий субъект ахборотларини янги информацион технологиялар ёрдамида ягона ахборотлар майдонига йўналтиради.

Бухгалтерия ҳисоби моделларини ўрганишдан асосий мақсад, унинг турларини ёки таркибий қисмларини аниқлаш эди. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида молиявий ва бошқарув ҳисобларни бухгалтерия ҳисобининг таркибий қисми сифатида қайд этилган бўлса, кейинги даврда иқтисодий адабиётларда “солиқ ҳисоби” ёки “солиқ тўловлари ҳисоби” тушунчалари бухгалтерия ҳисобининг қуйи тизими сифатида ёритилмоқда.

Бу борада иқтисодчи олимлар молиявий, бошқарув ва солиқ ҳисобларини бухгалтерия ҳисобининг алоҳида тури ва қуйи тизими сифатида эътироф этишмоқда.

Жумладан, О.Н.Волкованинг ёзишича, «Ривожланган мамлакатларда солиқ тизимининг ривожланиши ва мураккаблашиши натижасида, солиққа тортиш базасини аниқ ҳисоб-китоб қилиш зарурияти туғилди. Давлат ҳам, мулкдор ҳам ва бошқарувчилар ҳам билардиларки, бундай ҳисоб-китоблар учун ягона ва обектив маълумот бу умумқабул қилинган тамойилларга мос равишда жамланган ҳисоб маълумотларидир. Шу тариқа солиқ ҳисоби пайдо бўлди».

Я.В.Соколов, В.Я.Соколовларнинг қайд этишича «Ягона бухгалтерия ҳисоби молиявий ва бошқарув ҳисобларига бўлинди. Ундан кичик корхоналар ҳисоби ажралди. 2002 йилдан бошлаб бизнинг мамлакатда солиқ ҳисоби расман эълон қилинди”. Шунингдек уларнинг ёзишича, «Ҳозирги (1950 йилдан) босқич баланси динамик ва статистик талқин жиҳатдан қарашларнинг ривожланишига олиб келди. Динамик талқин ва калькуляцияни эволюциявий методлари бошқарув ҳисобининг туғилишига олиб келган бўлса, статистик талқин эса - молиявий ҳисоботни халқаро стандартлари (МХХС) ва миллий ҳисоботлар тизимининг пайдо бўлишига олиб келди. Бу икки талқин солиқ ҳисобининг шаклланишига таъсир қилди».

И.В.Киселева, Н.В.Кулишлар солиқ ҳисобини шаклланиши тўғрисида қуйидаги фикрларни билдиришган: “Иқтисодий фаол мамлакатларда солиқ қонунчилигини такомиллашуви ҳамда молиявий ҳисоботлардаги ахборотларнинг шаффофлиги ва тўлиқлигига қўйиладиган талабларнинг кучайиши натижасида ҳисобнинг алоҳида янги тури – солиқ ҳисоби, ўзининг методлари, баҳолаш ва қайд этиш турлари ҳамда қоидалар тизими билан пайдо бўлди”.

З.Н.Қурбоновнинг фикрича “Солиқ ҳисобининг келиб чиқиши – бу бухгалтерия (молиявий) ҳисоб билан солиққа тортиш тизимини кесимида, яъни уларнинг ўзаро боғлиқлигининг натижасидир.

Маълумотлардан фойдаланувчилар манфаатига қараб ҳисобнинг учта тури бўлиб, улар молиявий, бошқарув ва солиқ ҳисобларидир. Буларнинг ҳар бирининг ўз мақсади, вазифаси, объекти, предмети ва методи бор”.

Ҳозирги шароитида бухгалтерия ҳисоби интеграциялашув ўрнига дифференциаллашув томон ривожланмоқда. Ҳисоб янги турларининг, шу жумладан солиқ ҳисобининг пайдо бўлиши илмий фикрларнинг прогрессивлашувининг натижасидир.

Илмий тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, солиқ ҳисоби тушунчаси меъёрий ҳужжатларда, иқтисодчи олимлар ва амалиётчилар томонидан турлича талқин қилинмоқда.

Жумладан, Россия Федерацияси Солиқ кодексининг 25-боби 313-моддасида солиқ ҳисоби қуйидагича таърифланган: «Солиқ ҳисоби – бошланғич ҳужжатлар асосида фойда солиғи бўйича солиққа тортиш базасини аниқлаш учун Солиқ кодексига белгиланган тартибга мос равишда гуруҳланган маълумотларнинг умумлаштирилган тизимидир».

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг ”Солиқ солиш объектларини ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни аниқлаш ҳамда уларнинг ҳисоби” 39-моддасида солиқ ҳисоби қуйидагича эътироф этилган:

“Солиқ ва бошқа мажбурий тўловнинг ҳар бир тури бўйича солиқ солиш объекти ҳамда солиқ солиш билан боғлиқ объектлар ушбу Кодекснинг Махсус қисмига мувофиқ белгиланади.

Солиқ тўловчиларнинг даромадлари ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш учун улар бўйича тегишли чегирмалар тўлов тўланган вақт ва пул келиб тушган санадан қатъи назар, улар тааллуқли бўлган ҳисобот даврида акс эттирилади (ҳисоблаб ёзиш усули).

Мол-мулкни ҳисобга олиш бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади”.

Шунингдек Солиқ кодексининг 43-моддасида “солиқ ҳисоботи” тушунчаси қуйидагича баён қилинган: “Солиқ ҳисоботи солиқ тўловчининг солиқ ва бошқа мажбурий тўловнинг ҳар бир тури бўйича ёки тўланган даромадлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳамда солиқ декларацияларини, шунингдек ҳисоб-китобларга ва солиқ декларацияларига доир иловаларни ўз ичига оладиган ҳужжати бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шаклда тузилади.”

З.Н.Қурбонов «солиқ ҳисоби»га қуйидагича таъриф берган: “Солиқ ҳисоби – бу хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тўланадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича солиққа тортиш базасини аниқлаш ва солиқ ҳисоботларини тузиш учун зарур бўлган маълумотларни ҳисобга олиш тизимидир”.

Таърифдан кўриниб турибдики солиқ ҳисобининг асосий объекти бўлиб

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда “солиқ тўловлари”, “солиқ тўловчилар”, “йирик солиқ тўловчилар”, “солиқ мажбуриятлари” тушунчаларининг моҳиятига тўхталиб ўтамиз.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексининг “Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар” деб номланган 12-моддасида солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар қуйидагича эътироф этилган: “Солиқлар деганда ушбу Кодексда белгиланган, муайян миқдорларда ундириладиган, мунтазам, қайтариб берилмайдиган ва беғараз хусусиятга эга бўлган, бюджетга йўналтириладиган мажбурий пул тўловлари тушунилади. Бошқа мажбурий тўловлар деганда ушбу Кодексда белгиланган давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий пул тўловлари, божхона тўловлари, шунингдек ваколатли органлар ҳамда мансабдор шахслар томонидан юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни тўловчиларга нисбатан амалга ошириш учун, шу жумладан муайян ҳуқуқларни ёки лицензиялар ва бошқа руҳсат берувчи ҳужжатларни бериш учун тўланиши лозим бўлган йиғимлар, давлат божи тушунилади”. Бундан кўриниб турибдики тўловлар икки қисмга: солиқ тўловлари ва бошқа мажбурий тўловларга бўлинади.

Солиқ кодексининг 23-моддасида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг турлари келтирилган;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ушбу Кодексда назарда тутилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар амал қилади.

Солиқларга қуйидагилар киради:

- 1) юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи;
- 2) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
- 3) қўшилган қиймат солиғи;
- 4) акциз солиғи;
- 5) ер қаридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар;
- 6) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- 7) мол-мулк солиғи;
- 8) ер солиғи;
- 10) бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ.

Бошқа мажбурий тўловлар жумласига қуйидагилар киради:

- 1) давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий тўловлар:

Ягона ижтимоий тўлов;

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига фуқароларнинг суғурта бадаллари;

Давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар;

Республика йўл жамғармасига йиғимлар;

- 2) давлат божи;

- 3) божхона тўловлари;

4) айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим.

Ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида кўрсатилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар умумбелгиланган солиқлардир.

Ушбу Кодексида белгиланган ҳолларда ва тартибда солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибда тўланадиган қуйидаги солиқлар қўлланилиши мумкин:

- ягона солиқ тўлови;
- ягона ер солиғи;

тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ...

Давлат умуммиллий дастурларини амалга ошириш даврида тегишли жамғармалар ташкил этилиши мумкин бўлиб, уларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда мажбурий тўловлар белгиланади.»

Солиқ Кодексининг 13-моддасида “солиқ тўловчилар”, “солиқ агентлари”, “солиқ тўловчининг вакиллари” тушунчаларининг моҳиятлари берилган: “Солиқ тўловчилар ушбу Кодексида мувофиқ зиммасига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти юклатилган жисмоний шахслар, юридик шахслар ва уларнинг алоҳида бўлинмаларидир.

Солиқ агентлари ушбу Кодексида мувофиқ зиммасига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш, солиқ тўловчидан ушлаб қолиш ҳамда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига ўтказиш мажбурияти юклатилган шахслардир. Солиқ тўловчининг вакиллари қонунга ёки таъсис ҳужжатида мувофиқ солиқ тўловчининг вакили бўлишга ваколатли шахслардир. Ушбу Кодексида “солиқ тўловчи” тушунчасининг қўлланилиши унинг “солиқ агенти”, “солиқ тўловчининг вакили” маъносида ҳам ишлатилишини назарда тутди”. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 30 декабрдаги “Солиқ маъмуриятчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-455-сонли Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексининг 23 та моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Солиқ кодексининг янги тўлдирилган 22<sup>2</sup>-моддаси қуйидаги таҳрирда келтирилган:” Йирик солиқ тўловчилар - Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган мезонлардан келиб чиққан ҳолда, солиқ маъмуриятчилигига мансуб бўладиган айрим тоифадаги юридик шахслардир. Йирик солиқ тўловчилар бўйича мезонлар солиқ тўловчиларга солиқ солиш тартибини танлаш ёки ўзгартириш ҳуқуқини бермайди.

Йирик солиқ тўловчилар жумласига киритилган юридик шахслар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари томонидан тегишли қарор қабул қилинган кундан эътиборан беш кун ичида бу ҳақда ҳисобга қўйилган жой бўйича ёзма равишда, шу жумладан солиқ тўловчининг шахсий кабинетини орқали хабардор қилинади”.

Солиқ Кодексининг **45-моддасига** қўшимча “йирик солиқ тўловчилар” тоифасига кирувчи хўжалик субъектларининг мезонини белгилашга йўналтирилган.

Солиқ тўловларини ҳисоблаш ва бюджетга ўтказиб беришда солиқ тўловчиларнинг солиқ мажбуриятлари вужудга келади. Солиқ мажбурияти



тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 34-моддасида куйидагича ёзилган: “Солиқ тўловчининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ юзага келадиган мажбурияти солиқ мажбурияти деб эътироф этилади. Солиқ мажбуриятини бажариш учун солиқ тўловчи:

- ушбу Кодексда белгиланган ҳолларда давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга туриши;

- солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни аниқлаши ҳамда уларнинг ҳисобини юритиши молиявий ва солиқ ҳисоботини тузиши ҳамда уни давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиши;

- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида ҳамда тўлиқ миқдорда тўлаши шарт”.

Солиқ тўловларининг иқтисодий аҳамиятига тўхталадиган бўлсак Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларининг 88,2-88,5 фоизи солиқ ҳисобига шаклланади. 2017-йил якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг асосий параметрлари ижросини таҳлил қиладиган бўлсак, даромадлар (мақсадли жамғармаларсиз) 49684,8 млрд. сўмни ташкил қилган. Даромадларнинг 11538,9 млрд. сўми бевосита солиқлар ҳисобига тўғри келган бўлса, 26133,6 млрд. сўми билвосита солиқларга, 6867,4 млрд. сўми ресурс тўловлари ва мулк солиғи, 1715,1 млрд. сўми қўшимча фойда солиғи ва 3729,6 млрд. сўми бошқа даромадлар ҳисобига шаклланган. 2018-йилда бюджет даромадлари 62229,5 млрд. сўм бўлишлиги прогноз қилинмоқда, шундан 12805,4 млрд. сўми бевосита солиқлар, 33404,3 млрд. сўми билвосита солиқларга, 9714,5 млрд. сўми ресурс тўловлари ва мулк солиғи, 1367,7 млрд. сўми қўшимча фойда солиғи ва 4937,6 млрд. сўми бошқа даромадлар ҳисобига тўғри келади. Бу тушумларни бюджетга тўлиқ ва ўз вақтида тушушини таъминлаш солиқ тўловларининг ҳисобини тўғри ташкил қилишни талаб қилади.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики солиқ тўловлари муҳим иқтисодий кўрсаткич бўлиб, мамлакат бюджети даромадларининг асосий қисми солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобига шаклланади. Шунинг учун ҳам солиқ тўловлари таркибини ва унинг бухгалтерия ҳисоби муаммоларини ўрганиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб бориш долзарбдир.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон.

2. Налоговый Кодекс Российской Федерации. Глава-25, статья 313. М.: Вершина, 2005. 177 стр.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-3454-сон қарори.

4. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 30 декабрдаги “Солиқ маъмуриятчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-455-сонли Қонуни.
5. Киселева И.В., Кулиш Н.В. ЭВОЛЮЦИЯ МОДЕЛЕЙ БУХГАЛТЕРСКОГО УЧЁТА. Экономические науки, №58-2, 11.01.2017.
6. Куан Кунву. Анализ и устройство информационный системы. - Пекин: Университет Цинхуа, 2006.-317 стр.
7. Лю Юю. О Принципе контроля матерической страны в законодательстве ЕС о финансовых услугах. Вопросы юриспруденции. -2006.-132 стр.
8. Пачоли Л. Трактат о счетах и записях/Под ред. Проф. М.И. Кутера.-М.: Финансы и статистика; Краснодар: Просвещение-Юг, 2009 г.
9. Соколов Я.В., Соколов В.Я. История бухгалтерского учета. Учебник.- М.: Финансы и статистика, 2005 г., стр.122.
10. Суан Суоли, Влияние внешних факторов на бухгалтерский учет в КНР. Экономическое и научно-техническое сотрудничество, 2005 г. - 45 стр.
11. Учет: Международная перспектива Г.Миик, Г.Мюллер, Х.Гернон -М.: Финансы и статистика,1996 г. - 135 стр.
12. Қурбонов З.Н. Солиқ ҳисоби ва аудити. Ўқув қўлланма. Тошкент: 2012, 176 б. (21).
13. <https://www.mf.uz/media>